




ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



THE ROLE OF MULTILATERAL CULTURAL AND HUMANITARIAN RELATIONS IN THE DEVELOPMENT OF REGIONAL COOPERATION

Shakhlo E. Rajabova

Master's student

Tashkent University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: shahlo65564@icloud.com

ABOUT ARTICLE

Key words: reforms, strategic cooperation, trends, security, stability, regional relations, cultural and humanitarian ties, culture, spirituality and enlightenment, arts, allied relations, cooperation in tourism and sports, diplomacy.

Received: 14.05.22

Accepted: 16.05.22

Published: 18.05.22

Abstract: Historically, Central Asian countries have always considered themselves to belong to a single region. The indigenous peoples of Central Asia had a common history, similar cultures, customs, and even believed in one religion. Countries in the region, especially in their border areas, are home to many ethnic groups from neighboring countries, which in turn helps to strengthen kinship ties between a large number of people, particularly in Central Asia.

КҮП ТОМОНЛАМА МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР АЛОҚАЛАРНИНГ МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Шахло Э. Ражабова

Магистратура талабаси

Тошкент шарқиунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: shahlo65564@icloud.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ислоҳотлар, стратегик ҳамкорлик, тенденциялар, хавфсизлик, барқарорлик, мінтақавий муносабатлар, маданий-гуманитар алоқалар, маданият, маънавият ва маърифат, санъат, иттифоқчилик алоқалари, туризм ва спорт соҳасидаги ҳамкорлик, дипломатия.

Аннотация: Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Марказий Осиё мамлакатлари ўзларини ҳамиша ягона мінтақага тааллукли деб билишган. Марказий Осиёнинг туб аҳолиси умумий тарихга, бир-бирига ўхшаш маданият, урғодатларга эга эди, ҳатто бир динга эътиқод қиласди. Мінтақадаги мамлакатларда, айниқса уларнинг чегара ҳудудларида қўшни давлатларнинг кўплаб миллат вакиллари истиқомат қиласди, бу, ўз навбатида, кўп сонли, хусусан, Марказий Осиё давлатлари аҳолиси ўртасида қариндошлиқ алоқаларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

РОЛЬ МНОГОСТОРОННИХ КУЛЬТУРНО-ГУМАНИТАРНЫХ СВЯЗЕЙ В РАЗВИТИИ РЕГИОНАЛЬНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА

Шахло Э. Раджабова

Магистрант

Ташкентский университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

E-mail: shahlo65564@icloud.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: реформы, стратегическое сотрудничество, тенденции, безопасность, стабильность, региональные отношения, культурно-гуманитарные связи, культура, духовность и просвещение, искусство, союзнические отношения, сотрудничество в сфере туризма и спорта, дипломатия.

Аннотация: Исторически страны Центральной Азии всегда считали себя принадлежащими к единому региону. Коренные народы Средней Азии имели общую историю, схожие культуры, обычаи и даже веровали в одну религию. В странах региона, особенно в их приграничных районах, проживает множество этнических групп из соседних стран, что, в свою очередь, способствует укреплению родственных связей между большим количеством людей, особенно в Центральной Азии.

КИРИШ

МДХ доирасида маданий-гуманитар йўналишда мамлакатлараро икки ва кўптомонлама алоқалар холати. Шавкат Мирзиёев президентлик лавозимига сайланганидан сўнг, давлат раҳбари томонидан Ўзбекистон ташки сиёсатида Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқалар устувор аҳамият касб этди. Бу, кейинчалик стратегик характерга эга бўлган кўплаб хужжатларда, шунингдек ташабbus ва амалий ҳаракатларда ўз аксини топди.

Хусусан, мамлакатимиз чегара худудларида хавфсизлик, барқарорлик ва дўстона қўшничилик муносабатларини яратишни кўзда тутган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда ҳар иили қабул қилинаётган Давлат дастурларида Марказий Осиё мамлакатлари билан маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, бугунга келиб сиёсий, савдо-иктисодий, транспорт-логистика, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда минтақавий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Айниқса, маданий-гуманитар йўналишда Марказий Осиё мамлакатлари билан икки ва кўптомонлама даражада бир қатор тадбирлар ҳамда лойиҳалар мунтазам равища ўтказилиб келинмоқда. Масалан, турли форумлар, фестиваллар, концертлар, маданият ва кино кунларини, шунингдек кўргазмалар, илмий семинарлар, конференциялар, спорт мусобақалари ва бошқа маданий-гуманитар тадбирларни ташкил этиш анъанага айланиб улгурди. Туркманистонда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг сўнгги учинчи Маслаҳат учрашуви ҳам маданий-гуманитар тадбирларга бой бўлди.

Хусусан, Туркманистондаги «Аваза» миллий сайёхлик зonasida Марказий Осиё ҳалқларининг миллий таомлари фестивали, минтақа мамлакатлари санъат усталари иштироқида тантанали концерт, шунингдек «Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий форуми» ҳамда «Марказий Осиё етакчи аёллари муроқоти форуми»нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Маслаҳат учрашуvida Марказий Осиё етакчилари сиёсий, савдо-иктисодий, транспорт-логистика масалалари билан бир қаторда маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишиди. Ўзбекистон Президенти фестиваллар, маданият ва кино кунларини мунтазам равища ташкил этиш, Марказий Осиё маданий меросига бағишлиланган асарларни биргалиқда нашр этиш муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. [Ф. Ҳакимов//«Маданий-гуманитар соҳада Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигининг янги босқичи»//«Тараққиёт стратегияси» маркази 09.08.2021й.]

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари келгуси йилда Ўзбекистонда Марказий Осиё ёшлари форумини ўтказишни таклиф этди. Бу мамлакатларимиз хукуматлари ва ёшлари ўртасида ишонч ва дўстликни мустаҳкамлаш, улар ўртасида интерфаол мулоқотни йўлга кўйиш учун платформа шакллантиришга муҳим қадам бўлади. Шу мақсадлар учун «халқ дипломатияси», парламентлар, фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ воситалари салоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди. Халқларимизни бир-бири билан янада жисплаштиришга ёрдам берувчи муҳим омиллардан бири, бу туризм соҳаси ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Ҳаракатлар стратегияси доирасида дўстона қўшничилик ва қардошлиқ муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида қўшни давлатларнинг маданият кунлари, шунингдек Марказий Осиё мамлакатларида Ўзбекистоннинг маданият кунларини мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Таҳлиллар ва кузатувлар шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда Ўзбекистонда «Туркман маданият кунлари» (2016), «Тожик маданият кунлари» (2017), «Қирғизистон Республикаси маданияти ва санъати кунлари» (2018), шунингдек Туркманистон (2017), Қирғизистон (2017) ва Тожикистонда (2017, 2019) «Ўзбекистон маданият кунлари» кенг нишонланди. Бундан ташқари, 2018 йил «Қозоғистонда Ўзбекистон йили», 2019 йил эса, «Ўзбекистонда Қозоғистон йили» деб эълон қилинди. Ушбу давр мобайнида Ўзбекистон ва қўшни давлатларда урф-одатлар, маданият, санъат ҳамда қардош халқларнинг урф-одатларига бағишиланган турли тадбирлар бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан маданий-гуманитар ҳамкорлигининг энг муҳим хусусияти, бу мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига фаол жалб қилинган Миллий маданий марказлар фаолияти ҳисобланади.

Маданий гуманитар алоқаларнинг янги тенденциялари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан МДҲ ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги йиғилишида илгари сурилган ташабbusлардан бири 2021 йилда Тошкент шахрида “МДҲ давлатлари маданий мероси” конференциясини ўтказиш ғояси бўлди. Ушбу таклифнинг долзарблиги бевосита маданий-гуманитар алоқаларнинг МДҲ мамлакатлари интеграцион ҳамкорлик жараёнида тутган бекиёс ўрни ва бу давлатларда истиқомат қилувчи турли миллат вакилларининг ўзаро дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишида мазкур омилнинг муҳимлиги билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, айнан маданиятлараро мулоқотга анъанавий равишда ўзаро ишонч ва муштарак манфаатларга бўлган ҳурмат ҳиссини шакллантиришнинг самарали воситаси ва кўптомонлама барқарор муносабатларни таъминлашнинг мустаҳкам

пойдевори

сифатида

карадади.

[*A. Каримов // Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти етакчи илмий ходими // Қорақалпогистон ахборот агентлиги 21.01.2020 йил.*]

Шуни инобатга олган ҳолда, жорий йилда Ўзбекистон ўзининг МДҲ ташкилотига раислиги доирасида бу йўналишда бир қатор тизимли ишларни амалга оширди. Мазкур таклиф эса мамлакатимизнинг МДҲ ҳамкорлик форматига жиддий эътибори ва маданий-гуманитар алоқаларга янги суръат беришга изчиллик билан киришганининг яна бир амалий исботи бўлди.

Хусусан, 2021 йилда Тошкент шаҳрида “МДҲ давлатлари маданий мероси” конференциясини ўtkазиш ушбу мамлакатлар худудида мавжуд бўлган тарихий моддий ва номоддий обьектларни сақлаш ва тиклаш жараёнлари, шунингдек, уларни халқаро миқёсда оммалаштириш ишларида умумий ва замон талабларига жавоб берувчи янги ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқишига замин тайёрлайди. Шу билан бирга, Ҳамдўстлик давлатлари маданий соҳа вакиллари ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиши учун имконият яратади. Энг муҳими, ушбу анжуманнинг мамлакатимиз худудида ўтиши Ўзбекистон янги ташқи сиёсатининг муҳим йўналишига айланиб улгурган маданий дипломатиянинг ривожига хисса кўшади. Бу эса, ўз навбатида, ташқи дунёга очиқлик ва конструктив мулоқотни таъминлаш тамойиллари давлат ташқи сиёсий стратегиясининг муҳим таркиби қисмига айланганини яна бир бор халқаро доирада намойиш этади.

Маълумки, Марказий Осиё минтақаси тарихан фан, маданият, маънавият ва маърифатнинг ўчоги бўлган. Яқин тарихда ҳам бу омил ўзининг аҳамияти йўқотмаган. Бу борада қайсиdir олиму мутахассисни айнан бирон-бир давлатга тегишли деб айтиш мушкул. Зеро, фан, маданият, маънавият ва маърифат ютуқларидан бутун башарият фойдаланади. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон раҳбарияти қардош халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни муносиб тақдирлаб келмоқда.

Хусусан, 1991-2019 йиллар мобайнида қозоқ миллатига мансуб 630 нафар Ўзбекистон фуқаролари турли давлат мукофотлари билан тақдирланган. Бу рақам сўнгти йилларда янада ортмоқда, масалан, 2016 йилда 33 нафар қардош миллатга мансуб бўлган Ўзбекистон фуқаролари юксак давлат мукофотларига лойик кўрилган. Бундан ташқари, 1991 йилдан буён 23 Қозоғистон фуқаролари Ўзбекистоннинг тегишли давлат мукофотлари билан тақдирланишган. [*A.Юсупов//Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги СМТИ бўлим бошлиги // «Ўзбекистон ва Қозоғистон: маданий-гуманитар йўналишидаги ҳамкорликнинг янги босқичи» // Халқ сўзи 07.01.2021й*]

Маълумки, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг маданий-гуманитар алоқалар 1994 йил 10 январда имзоланган маданият, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим, туризм ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасидаги битим асосида амалга ошириб келинади.

Маданий гуманитар алоқаларни ривожлантирувчи омиллар. Бугунги кунда иккала давлат ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни қуийдаги йўналишларда мустаҳкамланиб бораётганини кўриш мумкин.

Биринчидан, таълим соҳасида. Ўзбекистон ва Қозоғистон таълим муассасалари ўртасида талабалар алмашинуви, ўқув-методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш, тажриба алмашиш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳозирда мамлакатимиз олий таълим муассасалари ва Қозоғистоннинг 50 дан ортиқ олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик келишувлари амал қилмоқда. Давлатларнинг Фанлар академиялари ўртасида тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилган, жумладан, биргаликда турли йўналишларда илмий тадқиқотлар ўтказиш, келгусида университетлар консорциумини ташкил қилиш бўйича келишувлар бунга мисол бўла олади. Айни вақтда, мамлакатимиздаги 400 та мактабда машғулотлар қозоқ тилида олиб борилади. 162 та мактабда эса таълим фақат қозоқ тилида берилади. Олий таълим муассасалари тизимида Тошкент давлат педагогика университетида, Гулистон давлат университетида, шунингдек, Нукус, Жizzах ва Навоий давлат университетларида қозоқ тили ва адабиёти факультетлари ташкил қилинган.

[A.Юсупов // Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридан СМТИ бўлим бошлиги // «Ўзбекистон ва Қозоғистон: маданий-гуманитар йўналишдаги ҳамкорликнинг янги босқичи» // Халқ сўзи 07.012.2021й.]

Илм-фан, таълим соҳасида шу кунгача амалга оширилган ишлар натижасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, келгуси йилда ижодий ва илмий зиёлилар форумини ташкил этиш ташаббуси мазкур йўналишдаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади.

Иккинчидан, санъат ва маданият соҳасида. Қозоғистоннинг санъат ва маданият вакиллари мамлакатимизда анъанавий тарзда бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам иштирок этиб келишади.

Учинчидан, миллатлараро муносабатлар соҳасида. Мамлакатимизда яшовчи қозоқ миллатига мансуб аҳоли сони 803,4 мингтани ташкил қиласди. Бу қозоқ этносининг Қозоғистон ташқарисида, МДҲ мамлакатларида яшайдиган энг йирик қисми ҳисобланади.

Тўртинчидан, соғлиқни сақлаш соҳасида. Мазкур соҳадаги алоқалар ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Хусусан, 2019 йилда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда Қозоғистон

йили» тадбирлари доирасида мамлакатимизда «Қозогистон тиббиёти кунлари» (21-29 ноябрь) ташкил қилинди. Жорий йилнинг март ойида икки давлатнинг соғлиқни сақлаш вазирликлари ўртасида ўзаро англашув ҳужжати имзоланди. Мазкур ҳамкорлик доирасида қозогистонлик ҳамкорлар билан биргаликда «Серебра» автоматлаштирилган тизими асосида ишемик ва геморрагик инсульт диагностикаси соҳасида тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича тажриба лойиҳасини ишга тушириш режалаштирилган. Тиббиёт соҳасида иккала давлат ҳамкорлигига катта ҳисса қўшгани учун 2019 йилда Қозогистон соғлиқни сақлаш вазири Е.Биртанов «Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган. Соҳа мутахассислари ўртасидаги ҳамкорлик айниқса, пандемия даврида янада мустаҳкамланмоқда. [А.Юсупов // Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги СМТИ бўлим бошлиги // «Ўзбекистон ва Қозогистон: маданий-гуманитар йўналишидаги ҳамкорликнинг янги босқичи» // Халқ сўзи 07.012.2021й.]

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон ва Қозогистон ўртасидаги ўзаро алоқалар бугун халқаро майдонда ҳам ишончли, муҳим ва узоқ муддатли ҳамкорлик намунаси сифатида эътироф этилмоқда. Маданий-гуманитар соҳадаги икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги даражаси шубҳасиз, ўзаро алоқаларнинг бошқа йўналишларига ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Бундай ҳамкорлик асосини энг аввало, халқлар бирдамлиги, фуқароларнинг бир-бирига ишончи ва дўстона муносабати ҳамда қон-қариндошчилик ришталарининг мустаҳкамланиши ташкил этади.

Шунингдек, ўзбек ва тожик халқи асрлар давомида ўзаро аҳил-инок, бир дарёдан сув ичиб яшаб келади. Маълум вақт ушбу алоқаларда турғунлик, ўзаро муносабатларда танаффус кузатилгани ҳам айни ҳақиқат. Сўнгги беш йилдан бошлаб эса ўртадаги қардошлиқ ришталари қайта тикланди, чегаралар очилди, "музлар эриди". Ўтган қисқа даврда икки давлат ўртасидаги яқин дўстлик ва ишончга асосланган алоқалар мутлақо янги босқичга кўтарилди. Буни икки томонлама маданий-гуманитар ҳамкорлик мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Аҳамиятли томони шундаки, Ўзбекистон ва Тожикистон икки томонлама алоқалар Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги миintaқавий муносабатларда муҳим омил саналади.

Тарихан ўзбек-тожик халқлари ягона тарихий даврни босиб ўтиб, асрлар мобайнида ўзининг умрбоқий моддий-маънавий қадриятлари ва анъаналари билан бир-бирига чамбарчас боғланган. Азал-азалдан халқларимиз бир дарёning икки ирмоғидан сув ичиб, кўшничилик анъаналарини яқин қариндошлиқ алоқалари билан боғлаган ҳолда ўхшаш маданият, урф-одатлар, ягона дин, ўлмас қадриятларга бой миллатлар сифатида тилга олинади. Шу боисдан бўлса керак, бизга икки тилда гаплашувчи ягона халқ дея таъриф беришади. Шу муносабат билан бугунги кунда икки давлат ўртасида дўстлик, яхши

кўшничилик, ўзаро хурмат ва ишонч руҳидаги яқин муносабатлар изчил ривожланиб бормоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, бу каби мустаҳкам алоқалар кеча ёки бугун вужудга келиб қолмади, балки минг йиллар давомида халқларимизнинг қон-қонига сингиб, уларнинг маънавий оламида ҳамда маданий ҳаёти давомида шаклланиб, сайқалланиб келмоқда. Келгусида қардош икки халқ ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик сингари анъаналарни, тарихий-маданий қадриятларни сақлаб қолиш йўлида мустаҳкам пойдевор яратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, халқларимизни нафақат умумий тарихий яшаш муҳити, ўхшаш анъаналар, куй-қўшиқлар ва маросимлар, балки бутунжаҳон эътиборига молик маънавий мерос ҳам бирлаштириб туради. Ушбу халқлар ягона миңтақада ҳаёт кечиргани боис икки миллат вакиллари ўртасида доимий мулоқот пайдо бўлиши табиий ҳол. Барчамизга маълумки, қадимдан ажоддларимиз икки тилда шоҳ асарлар ва шеърий достонлар, ғазаллар ва қасидалар битиб, мадрасаю расадхоналар бунёд этгани ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Шулар қаторида, ҳар икки давлат ёш авлоди вакиллари ҳам икки мамлакат ўртасида йўлга қўйилган мазкур маданий мулоқот намуналари билан ҳақли равишда фахрланади ва уларни асраб-авайлаб изчил давом эттиришга доим интилмоқда.

Тожикистон кўхна ва қадимий маданият ўчоғи сифатида, мамлакатда ўзига хос санъат, шаҳарсозлик бобида юксак дид ва маҳорат, шунингдек, бетакрор меъморий обидалари билан бутун дунёга маълум ва машҳурдир. Тожикистон мустақилликнинг ilk йилларида ёқ мураккаб иқтисодий ва сиёсий қийинчиликларга қарамай, ўз йўналишини, яъни, тарихий-маданий обидаларни асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва дунёга намоён этишдек аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаб олди. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, ҳозирги қунда Тожикистонда 3000 дан зиёд қадимий ва маданий обидалар, 6 та давлат мажмуаси ва тарихий-маданий қўриқхоналар, турли тарихий-этнографик музейлар ва кўплаб археологик иншоотлар мавжуд. *[Ўзбекистон — Тожикистон: маданий-гуманитар ҳамкорликнинг асосий йўналишилари // Халқ сўзи 01.06.2021.]*

Шуниси эътиборлики, айнан Тожикистон 1993 йилда Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб ЮНЕСКО таркибига киритилган бўлса, бунинг самараси ўлароқ бутунжаҳон халқлари унинг кўхна ва улуғвор ноёб ёдгорликлари ва ўтмиш дурданалари тўғрисида хабардор бўлди. Саразм, Хисор, Кўлоб, Хўжанд, Хўжа Машҳад мадрасаси, Муҳаммад Башоро, Хўжа Нақшрон, Мир Саид Али Хамадоний, форс тилидаги қадимий битикларни, Муқаддас Қуръоннинг котиблари, қоя суратлари, Будда хайкаллари, Ямчун қалъаси, Зонга ибодатхонаси, Карон меъморчилик обидаси ва "Амударё

хазинаси"нинг аниқланиши каби қатор ноёб манбаларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Икки ва қўптомонлама маданий алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида. Ҳозирги кунда мамлакатнинг иккита қадимий иншооти ЮНЕСКО бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган: маданий аҳамиятга эга бўлган қадимий Саразм шахри (милоддан аввалги IV-II асрлар) ва табиий аҳамиятга эга бўлган "Помир тоглари" миллий боғи. Ҳозирги кунда икки давлат ўртасида маданий масалалар бўйича минтақавий Ҳукуматлараро ташкилот тузиш тўғрисида музокаралар олиб борилаётган бўлиб, ушбу ташкилотнинг зиммасига турли маданий тадбирлар, жумладан, олимларнинг учрашувлари, мумтоз мусиқий кечалар ва спектакллар, адабий ва илмий нашрлар ҳамда бошқа турдаги ташабbusларни ташкиллаштириш, назорат қилиш вазифаси юклатилади. 2017 йили Ўзбекистонда Тожикистон ва Тожикистонда Ўзбекистон маданият кунлари кенг кўламда нишонланди. Икки қардош мамлакатнинг санъат дарғалари ўртасида «Дўстлик кечаси» номи остида мусиқий дастурлар намойиши бўлиб ўтди. [*Ўзбекистон — Тожикистон: маданий-гуманитар ҳамкорликнинг асосий йўналишилари // Халқ сўзи 01.06.2021й.*]

Шуни таъкидлашни истардимки, умумий маданият ва қадриятларга эга давлатлар сифатида, икки халқ ўртасида маданий алоқаларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳалқларимиз орасидаги кенг кўламли маданий-гуманитар алоқаларнинг равнақ топиши давлатлараро муносабатларни маҳкам тутиб турилишида маънавий пойдевор вазифасини ўтайди. Ҳозирга қадар икки мамлакатнинг илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган бўлиб, биргаликда турли тадбирлар ўtkазилиб келинмоқда.

ХУЛОСА

Биринчидан, ўзбек ва тожик тилларини ўрганиш ва ўргатиш, таълим, бадиий, даврий ва илмий адабиётларни ўзаро алмашиш, мумтоз ва замонавий ёзувчиларнинг асарларини таржима қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг халқ таълими тизимида тожик тилида таълим берувчи мактаблар сони қарийб 255 тани ташкил этса, шундан 90 тасида фақат тожик тилида таълим берилади.

Иккинчидан, Тожикистонда ўзбек тилида фаолият олиб бораётган 10 дан ортиқ нашрлар мавжуд бўлиб, Душанбе шаҳрида ўзбеклар жамияти томонидан «Халқ сўз» газетаси чоп этилади. Ҳўжанд шаҳрида «Ўзбек миллий маънавият ва маърифат маркази» томонидан «Маънавият» газетаси ва «Шарқнома» журнали ўзбек тилида чоп этилади. Шунингдек, бир хафтада бир марта ОАВда ўзбек тилидаги дастур ва эшиттиришлар олиб борилади.

Демак, Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатларга нисбатан олиб бораётган сиёсати нафақат сиёсий ва иқтисодий секторни ривожлантиришга, балки Марказий Осиё халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни чуқурлаштиришга қаратилган. Зеро, умумий маданий тамаддун маконини янада ривожлантириш халқларимиз ўртасида кардошлик муносабатларини мустаҳкамлашнинг муҳим омилидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ф. Ҳакимов // «Маданий-гуманитар соҳада Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигининг янги босқичи» // «Тараққиёт стратегияси» маркази 09.08.2021й. <https://strategy.uz/index.php?news=1358>
2. А. Каримов // Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти етакчи илмий ходими // Қорақалпогистон ахборот агентлиги 21.01.2020 йил // <https://kknews.uz/uz/69185.html>
3. А.Юсупов//Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги СМТИ бўлим бошлиғи // «Ўзбекистон ва Қозогистон: маданий-гуманитар йўналишдаги ҳамкорликнинг янги босқичи» // Халқ сўзи 07.012.2021й // <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-va-qozogiston-madanij-gumanitar-jonalishdagi-hamkorlikning-yangi-bosqichi>
4. Ўзбекистон — Тожикистон: маданий-гуманитар ҳамкорликнинг асосий йўналишлари // Халқ сўзи 01.06.2021й. // <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-tozhikiston-madanij-gumanitar-hamkorlikning-asosij-jonalishlari>
5. Культурное сотрудничество в рамках СНГ на примере реализации в 2013 году Межгосударственной программы «Культурные столицы Содружества» // Интернет портал СНГ // <https://e-cis.info/cooperation/3143/78332/>
6. Фокин В. И., Боголюбова Н.М., Николаева Ю. В // Культурное сотрудничество на пространстве СНГ // <https://www.acjournal.ru/jour/article/download/570/571>
7. Культурное сотрудничество стран СНГ – в планах более 120 мероприятий за пять лет // Информационно-аналитический департамент Исполнительного комитета СНГ 24.06.2015й // <https://cis.minsk.by/news/5250/kulturnoe-sotrudnicestvo-stransng---v-planah-bolee-120-meropriatij-za-pat-let>
8. Madaminova, D. I., Mustapova, K. I., & Suyunova, B. S. (2019). ESTABLISHING AND DEVELOPING PROSPECTS OF CENTRAL ASIAN VECTOR IN JAPANESE FOREIGN POLICY. *Ўтмишга назар журнали*, 23(2).
9. Sayfullaev, D. B. (2020). CONCEPTUAL BASIS OF THE MODERN WEST AND EAST DIPLOMACY STUDY. *Journal of Legal, Ethical and Regulatory Issues*, 23(2), 1-10.
10. Madaminova, D. (2020). Migration Process and Problems in North Africa and the Middle East. In *ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ПОЛИТОЛОГИЯ, СОЦИОЛОГИЯ, ФИЛОСОФИЯ, ИСТОРИЯ* (pp. 80-85).